

Date: 23rd June-2026

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

Аброржон Тожалиев

Риштон туман ИИБ катта инспектори

E-mail: AbrorjonTojaliyev0202@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада вояга етмаган шахсларни сўроқ қилишнинг процессуал-ҳуқуқий асослари, уни амалга ошириш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормалари асосида вояга етмаган гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ёритган. Шунингдек, ҳимоячи, қонуний вакил, педагог ва бошқа иштирокчиларнинг иштироки, сўроқ қилишнинг тактик ва психологик жиҳатлари ҳамда тергов амалиётида қонунийлик талабларига риоя этиш масалалари кўриб чиқилган. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг кўрсатувларини олиш жараёнида инсонпарварлик тамойилларини қўллашнинг аҳамияти асослаб берилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, сўроқ қилиш, тергов ҳаракати, гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, ҳимоячи, қонуний вакил, педагог, психологик алоқа, жиноят процесси, ҳуқуқий кафолатлар.

Аннотация: В данной статье анализируются процессуально-правовые основы, порядок и особенности допроса несовершеннолетних лиц в уголовном судопроизводстве. На основе норм Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан раскрываются правовые гарантии допроса несовершеннолетних подозреваемых, обвиняемых, свидетелей и потерпевших. Особое внимание уделено участию защитника, законного представителя, педагога и иных участников процесса, а также тактическим и психологическим аспектам проведения допроса. Рассматриваются вопросы соблюдения принципа законности и обеспечения прав и законных интересов несовершеннолетних в ходе следственных действий. Обосновывается необходимость применения гуманистических подходов при получении показаний несовершеннолетних участников уголовного процесса.

Ключевые слова: несовершеннолетние, допрос, следственное действие, подозреваемый, обвиняемый, свидетель, потерпевший, защитник, законный представитель, педагог, психологический контакт, уголовный процесс, правовые гарантии.

Abstract: This article examines the procedural and legal foundations, conditions, and specific features of interviewing and interrogating minors in criminal proceedings. Based on the provisions of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, the author analyzes the legal safeguards applicable to juvenile suspects, accused persons, witnesses, and victims. Particular attention is paid to the participation of defense counsel,



Date: 23rd June-2026

legal representatives, teachers, and other participants, as well as to the tactical and psychological aspects of conducting interrogations. The article also discusses the importance of ensuring legality, protecting the rights and legitimate interests of minors, and applying humane approaches during investigative procedures. The significance of psychological interaction and procedural guarantees in obtaining reliable testimony from minors is substantiated.

Keywords: minors, interrogation, investigative action, suspect, accused person, witness, victim, defense counsel, legal representative, teacher, psychological contact, criminal procedure, legal safeguards.

Жиноят-процессуал қонунчилик суриштирув ва дастлабки теғов органларига содир этилган жиноятларни тез ва тўла очиш ҳамда жиноят содир қилган шахсларни фoш қилиш мақсадида терғов ҳаракатларини амалга ошириш ваколатини беради. Бундай ҳаракатлар сирасига сўроқ қилиш терғов ҳаракатини киритишимиз мумкин.

Сўроқ қилиш жиноят ишларини юритишда кенг тарқалган терғов ҳаракати бўлиб, бир шахсдан (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчидан) оғзаки кўрсатувлар олиш ва мустахкамлаш мақсадида процессуал сўров тарзида амалга оширилади. Сўроқ қилиш терғов ҳаракати жиноятни очишда ҳам асосий усул бўлиб хизмат қилади. Терғов амалиётида бирон-бир жиноят иши сўроқ қилиш терғов ҳаракати ўтказилмасдан очилмайди. Сўроқ қилиш терғов ҳаракатининг аҳамияти шундаки, жиноят излари сифатида қолган ва моддий дунёнинг инсон онгидаги инъикосидан исбот қилишда фойдаланилади.

Сўроқ қилиш оркали терғов ҳаракатини ўтказувчи шахс сўроқ қилинувчидан муайян ҳолат юзасидан маълумот олинади ва унинг муносабати аниқланади. Қолаверса, ушбу терғов ҳаракати сўроқ қилинувчига жиноят иши ёки унинг муайян ҳолати юзасидан билганларини бошқаларга маълум қилиш ва муносабатини баён қилиш имконини беради.

Сўроқ қилишнинг умумий қоидалари Жиноят-процессуал кодексининг 96-108-моддаларида белгиланган. Гумон қилинувчи ва айбланувчини, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш эса, сўроқ қилишнинг умумий қоидалари ва Жиноят-процессуал кодексининг 109-113, 114-121-моддалари талаблари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига содир этилган жиноятларни кўриб чиқишнинг умумий тартиби белгиланган, лекин вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни кўриб чиқиш қонун чиқарувчи томонидан ЖПКнинг алоҳида тоифадаги жиноят ишини юритиш тартибини белгиловчи ўн учинчи бўлимида тартибга солинган. Бу эса, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича иш юритишга алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат беради.



Date: 23rd June-2026

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасининг кенглиги, унда химоячи ва қонуний вакилнинг иштироки мажбурийлиги, сўроқ қилиш муддатларининг қисқартирилганлиги, уларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш ва бошқа ўзига хос жихатларни қонуншунос томонидан белгилаб берилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари суд муҳокамасига қўйилганда айбланувчи вояга етган-етмаганлигидан қатъий назар, адвокат иштирок этишлиги шарт эканлигини назарда тутишлари керак. Ушбу қоида жиноятчилардан бирини, шахс 18 ёшга тўлмасдан олдин, иккинчисини вояга етгандан сўнг содир этганликда айбланган ҳолларда ҳам амал қилади.

Жиноят процессуал кодексининг 51-моддасига мувофиқ дастлабки тергов жараёни ва судда вояга етмаганлар томонидан содир қилинган ишлари бўйича адвокатнинг иштирок этиши шарт. Мазкур қоида Жиноят процессуал кодексининг 52-моддаси талабига кўра вояга етмаган шахс химоячидан воз кечганда ҳам тадбиқ этилади. Ушбу процессуал қонун талабларига риоя қилмаслик Жиноят процессуал кодексининг 419, 487-моддаларига асосан, ҳукмнинг бекор қилинишига асос бўладиган жиноят процессуал қонунининг жиддий бузилиши деб қаралиши кера²⁵.

Ҳар бир процесс иштирокчисини сўроқ қилиш ўзининг процессуал тартибига эга ва тактик жиҳатдан ўзига хос тарзда ўтказилади. Лекин айрим умумий қоидалар ҳам мавжуд. Вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш сўроқ қилишнинг умумий қоидаларида белгиланган асосларда ўтказилади. Лекин, ЖПКнинг 121-моддасида “Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Кўрсатилган шахслар сўроқ қилувчининг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкин.

Ўн олти ёшгача бўлган гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар, бироқ суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи шу гувоҳ ва жабрланувчиларга уларнинг процессуал ҳуқуқи ва мажбуриятларини тушунтириш чоғида ҳаққоний кўрсатув бериш ва бу билан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга қўмаклашиш маънавий бурч эканлигини эслатиб ўтади²⁶.

Сўроқ қилишдан олдин терговчи зарур ҳолларда вояга етмаган сўроқ қилувчининг шахсини аниқлайди, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалёти тўғрисида”ги 21-сонли қарори

²⁶ Ўзбекистон Республикаси ЖПК. 121-модда.



Date: 23rd June-2026

тушунтиради, анкета тарзидаги зарур маълумотларни аниқлайди. Иш моҳияти бўйича сўроқ қилиш шахсга иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни айтиб беришни таклиф қилишдан бошланади, кейин эса терговчи саволлар бериши мумкин.

Кўрсатувлар баённомага имкон қадар сўзма-сўз ёзиб борилади. Зарур бўлса вояга етмаган сўроқ қилинувчига берилган саволлар ва уларнинг жавоблари ҳам ёзилади. Бундан кейин сўроқ қилинувчи (ўз ташаббуси билан) ўзининг кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериши мумкин. Сўроқ қилиш тугаллангандан сўнг, вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини, унинг қонуний вакили ва химоячисини баённома билан танишиб чиқиш учун берилади ёки уларнинг илтимоси билан терговчи ўқиб беради. Кўрсатувларнинг тўғри ёзилганлиги вояга етмаган сўроқ қилинувчи, унинг қонуний вакили ва химоячиси ҳамда терговчи имзолари билан тасдиқланади.

Шунингдек баённома тузилганда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 21-сонли қарорида “Химоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз аниқланган ҳар қандай далил юридик кучга эга эмасдир.” деб кўрсатилганлиги химоячининг далилларни баҳолашда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Жиноят процессуал кодексининг 551 ва 562-моддаларига мувофиқ суд вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари кўриладиган вақт ва жой ҳақида уларнинг ота-онаси, ота-она ўрнини босувчи шахсларни, васийлик ва хомийлик органи вакиллари, вояга етмаган ўқиган ёки ишлаган корхона, муассаса, ташкилот, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича шуғулланувчи комиссияни, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, зарур бўлса бошқа ташкилотларни ҳам хабардор қилади. Суд бу ташкилотларнинг вакиллари, судланувчининг васий ёки хомийсини, вояга етмаганлар ишлари бўйича шуғулланувчи комиссиянинг вакиллари гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш учун чақиришга ҳақлидир.

Вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили масаласи ҳал этилаётганда шуни назарда тутиш керакки, Жиноят процессуал кодекси 60-моддасининг 2-қисмида келтирилган қонуний вакил бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхати қатъий белгиланган.

Агар вояга етмаганнинг ота-онаси бўлмаса ва у ёлғиз яшаётган ёхуд тегишли равишда васий ёки хомий этиб тайнланмаган шахс яшаётган бўлса, суд вояга етмаганнинг қонуний вакили сифатида васийлик ёки хомийлик органининг вакилини чақириши зарур.

Судлар Жиноят процессуал кодексининг 548-моддасига кўра вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исболаниши лозим бўлган ҳолатлар қаторига ёшини ва шахсини аниқлашлик ҳам киришини назарда тутишлари зарур. Айни вақтда, шу нарсани эътиборга тутиш керакки, шахс туғилган кунидан бошлаб эмас, балки туғилган кунни ўтганидан сўнг, яъни



Date: 23rd June-2026

эртаси кунининг нол соатидан бошлаб жиноят учун жавобгарлик бошланадиган ёшга тўлган деб ҳисобланади.

Судлар ишда албатта вояга етмаганларнинг туғилиш гувоҳномаси ёки паспортдан фотонусха мавжудлигига аҳамият беришлари керак. Ишда бундай ҳужжатлар йўқлиги аниқланган тақдирда суднинг ўзи бундай камчиликни бартараф этишлари зарур.

Судланувчининг ёши суд-тиббий экспертизаси томонидан аниқланаётганда, унинг туғилган куни деб, эксперт аниқлаган йилнинг охири куни ҳисобланади. Ёш энг кам ва энг кўп йиллар миқдори билан аниқланганда, суд экспертлар томонидан белгиланган энг кам ёшдан келиб чиқиши лозим.

Вояга етмаган сўроқ қилинувчининг ақли норасолигидан далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, вояга етманнинг ақлий ривожланишида ортда қолгани ёки ортда қолмагани ҳақидаги масалага аниқлик киритиш учун комплекс суд-рухиятшунослик экспертизаси тайинланиши лозим.

Мазкур масалаларнинг ечими экспертлар комиссияси ихтиёрига ҳавола этилиши мумкин. Бунда вояга етмаганларнинг ақлий ривожланиши, унинг ёшидан нақадар ортда қолганлиги, ақли заифлиги қай даражада эканлиги ҳақидаги саволларга жавоб бериш шарт қилиб қўйилиши керак.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати бир неча турларга бўлинади.

Сўроқ қилинувчининг жиноят-процессуал ҳолати бўйича:

- Гумон қилинувчини сўроқ қилиш;
- Айбланувчини сўроқ қилиш;
- Жабрланувчини сўроқ қилиш;
- Гувоҳни сўроқ қилиш.

Шахсни ёши бўйича сўроқ қилиш:

- Вояга етмаганни сўроқ қилиш;
- Вояга етганни сўроқ қилиш.

Сўроқ қилиш кетма-кетлиги ва аҳброт ҳажми бўйича:

- Дастлабки сўроқ;
- Қўшимча сўроқ;
- Қайта сўроқ;

Тергов ҳолатининг таърифи бўйича:

- Зиддиятли тегов ҳаракатини сўроқ қилиш;
- Зиддиятсиз тергов ҳаракатини сўроқ қилиш.

Сўроқ қилиш ҳаракатининг гумон қилинувчи қатнашчилари бўйича сўроқ қилинувчи шахсдан ташқари бошқа шахсларни таклиф этмасдан сўроқ қилиш ва сўроқ қилинувчи шахс билан биргаликда бошқа шахсларни (химоячи, эксперт, мутахассис, таржимон, педагог, вояга етмаганнинг онаси ёки отасини ва қонуний вакиллари, прокурор, тергов бўлими бошлиғи, терговчилар гуруҳининг рабарини) таклиф қилиб сўроқ қилишга бўлинади.



Date: 23rd June-2026

Сўроқни рухий мулоқотнинг махсус шаклида тавсиф этадиган бўлсак, уни кўрсатувларнинг вужудга келиши, сўроқ қилинувчи билан рухий алоқа боғлаш, рухий таъсир этишнинг мумкинлиги ва чегаралари каби бир неча томонларга ажратишимиз керак бўлади.

Кўрсатувларнинг шаклланиши. Кўрсатувларнинг шаклланиши учта босқични қамраб олади: қабул қилиш, эслаб қолиш ва эслаб қолганни қайтадан тасаввур этиш. Кўрсатувларнинг шаклланиши ташқи мухитни қабул қилишнинг оддий шаклидан бошланади. Онда буюмлар ва ходисаларнинг айрим хусусиятлари инъикосига асосан таассуротларнинг йиғиндиси вужудга келиб предметни тўлиқ ва қисман равишда қабул қилиш ҳолати шаклланади. Шу билан бирга кўрсатувларнинг тўғрилига субъектив ва объектив омиллар таъсир этади. Субъектив омиллар одамнинг воқеликни тўғри қабул қилиш қобилиятига (масалан, унинг сезиш органларининг ҳолатига, рухий ҳасталикка эга бўлишга, ҳаёлпарастликка берилганда) боғлиқдир. Объектив омилларга (қабул қилиш шароитлари, об-ҳаво шароитлари, ёруғлик ҳолати, кузатишнинг давомийлиги, сўроқ қилиш шароитлари) ва унинг тактик жихатдан амалга оширилиши, рухий алоқанинг боғланиши, саволлар оқилона ва тўғри берилиши ва ҳақозога боғлиқ бўлади.

Тергов амалётида рухий алоқа боғлаш деганда, жиноят-процессда иштирок этувчиларнинг терговчи билан рухий томондан соғлом, мувозанатга эга бўлган муносабатга киришиши тушунилади. Ушбу муносабатлар тергов қилинаётган жиноятга нисбатан ҳақиқатга тўғри, тўлиқ ва асосли кўрсатувлар олишни таъминлайди.

Рухий алоқа сўроқ пайтида терговчига боғлиқ. У сўроқ тактикастни тўғри йўлга қўйиб, сўроқ қилинувчининг шахсини, ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, жиноят иши материалларини яхшилаб ўрганади ва таҳлил қилиб, ўз мақсадига кўра бу тергов ҳаракатини ўтказди. Бундай мулоқотда терговчи ҳеч қандай зиддиятга ўрин қолдирмаслиги, ўртадаги рухий кучланишни йўқ қилиб, сўроқ қилиш учун маъқул тергов шароитини яратиши лозим.

Агарда суриштирувчи, терговчи сўроқ қилинувчи вояга етмаган шахснинг ишончига кириб сўроқ қилиш учун мақсадга мувофиқ шароитлар тайёрламасдан, ўз ҳаракатларини жадаллик билан бошласа, рухий алоқа боғлаш қийинглашади. Шунга кўра суриштирувчи, терговчи сўроқ пайтида олинган ахборотни доимий равишда жиноят иши бўйича мавжуд бўлган ахборот билан солиштириб туриши лозим, чунки бу услуб сўроқ қилинувчининг берган кўрсатувларни назорат остида бўлишини таъминлайди.

Сўроқнинг натижали бўлиши терговчининг сўроқ қилинувчи шахс тўғрисида яхши маълумотга эга бўлишига боғлиқ. Суриштирувчи, терговчи сўроқ берувчи шахснинг ўрнига фикран ўзини қўйиб, хатти-ҳаракатларини башорат қилиши лозим ва қонун ҳамда маънавият чегараларида ўзида бор бўлаг далилларни ва ахборотларни ишлатиши зарур.



Date: 23rd June-2026

Вояга етмаган сўроқ қилинувчини жинойт-процессуал ҳолати жихатдан сўроқ қилиш турларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ва улар тактик усуллардан иборат. Вояга етмаган сўроқ қилинувчининг эсидан чиқарган ҳодиса лавҳасини ёдига келтиришга ёрдамлашиш, ёлғон кўрсатув пайтида уни фош этиш ҳам тактик усулларга тегишли.

Сўроқ қилишда қонун талабларига риоя этиш деганда, унинг процессуал қонуннинг барча талабларига мувофиқ келиши тушунилади ва суриштирувчи, терговчи ўз ҳаракатларни шу талабларга асосланиб амалга оширади. Масалан, вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишда унинг ҳимоячиси иштирок этиши зарур, суриштирувчи, терговчининг рухсати билан қонуний вакил ёки (ЖПКнинг 553-моддаси), таржимон иштирок этиши мумкин (ЖПКнинг 20-моддаси), сўроқнинг давом этиш вақти бир кунда 6 соатдан ошмаслиги лозим (ЖПКнинг 107-моддаси), вояга етмаган сўроқ қилинувчи кўрсатмаларини ўз қўли билан ёзиш ҳуқуқига эга (ЖПКнинг 106-моддаси). Юқоридаги каби ҳолатлар ана шу қонун талабларидан келиб чиқади. Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатларни қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади. (ЖПКнинг 17-моддаси).

Сўроқнинг воқеликка тўғри бўлиши, унинг ҳар томонлама ва тўлиқ акс этиши бу ҳаракатнинг қонунийлик талабларига тўғри бўлишини кўрсатувчи қафолот сифатида намоён бўлади. Сўроқ қилишда қонунийлик талабларига риоя этилиши сўроқ қилинувчини ва суд залида ҳозир бўлган жамоани қонунга ҳурмат руҳида тарбиялайди.

